



# O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2014-yil, 3-iyun. Seshanba 67 (31.814)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz



Юртбошимиз ва давлатимиз гам-хўралиги туфайли мамлакатимизда болалар спорти жадал тараққий этмоқда. Шунинг ҳисобига ўғил-қизларимиз Осиё ва жаҳон чемпионатларида ўз маҳоратларини намоён этиб, ҳеч кимдан кам эмасликларини кўрсатишяпти.



## Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари

ўз сайлов округларида учрашувлар ўтказиб қайтди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Регламентига мувофиқ, депутатлар жорий йилнинг 26-31 май кунлари ўз сайлов округларида аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказиб келди. ЎзХДП фракцияси аъзолари мазкур учрашувлар ҳар томонлама самарали бўлишига, жойлардаги ижтимоий масалаларни таҳлил қилиб, уларга ечим топишга, аҳоли вакиллари билан фикр-мулоҳазаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратди.

Фракция аъзолари сайлов округларида бир қатор йўналишлар бўйича иш олиб борди. Хусусан, 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси доирасида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ўз мутахассислигига мувофиқ ишга жойлаштириш ҳолати ўрганилди. Депутатларнинг таъкидлашича, бу Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзХДП фракцияси ташаббуси билан ўтказилиши режалаштирилган парламент эшитувига тайёргарлик кўриш жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Режага мувофиқ, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларида бандлик дастури ижроси, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи маҳаллий ҳокимликлар ва мутасадди ташкилотлар иштирокида муҳокама қилинди. Мазкур йўналишларда ЎзХДП фракцияси аъзолари ҳам бевосита қатнашди ва муаммоларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берди.

➤ Давоми 2-бетда.

## БАРКАМОЛ АВЛОД ШОДИЁНАСИ

Наманганда мамлакатимиз касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинлари финал босқичи юқори савияда ўтказилди

Уч кун мобайнида «Навбахор» стадионида «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинлари машъаласи порлаб турди. Ҳар соати, дақиқаси ўчмас из қолдирган, ҳаяжонлар оғушида ўтган мусобақаларда спортнинг ўн олти тури бўйича голиб ва совриндорлар аниқланди.

Наманган шаҳри кўрғига кўрк қўшган замонавий ва мухташам «Баркамол авлод» спорт мажмуаси, «Дўстлик» теннис корти, Олий спорт маҳорати мактаби, Наманган муҳандислик педагогика институти ҳамда

олимпия захиралари коллежининг спорт заллари ва майдонларида 208 та олтин, 208 та кумуш, 236 та бронза медаль ўз эгаларига тантанали равишда топширилди.

31 май. Соат 18:30. «Нав-

бахор» стадиони спорт мусобақалари қатнашчилари, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари, меҳмонлар билан яна тўлиб-тошди.

Стадионда чорлов мусиқаси янграйди. Йигирма мингдан зиёд томошабин

олқишлари остида майдонга мусобақа иштирокчилари — Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари кириб келади.

➤ Давоми 4-бетда.

ЎзХДП ГУРУҲИ ТАШАБУСИ БИЛАН

## Сессия тегишли қарорлар қабул қилди



Яқинда халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим масалаларига ечим топиш мақсадида амалий таклифларни илгартириш сурмоқда. Мазкур сессияда ҳам Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакиллари бўлган депутатлар ташаббуси билан иккита масала муҳокама этилди.

Кейинги йилларда Фарғона

вилоятда ҳам қишлоқ аҳоли пунктларининг қиёфасини тубдан ўзгартириш, намунавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш, қишлоқда моҳият эътибори билан янги инфратузилмани шакллантириш, шулар ҳисобидан фуқароларнинг ҳаётини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

➤ Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ДЕМOKPАТИК ПАРТИЯСИ фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди. Шунинг учун сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларда сиёсий-ҳуқуқий саводхонлик ҳамда ижтимоий масъулиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратади.

ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

## Муҳим сиёсий жараёнларга тайёргарлик

масаласи муҳокама этилди

➤ 2



## Маҳаллийлаштириш дастури орқали

кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда

ХУДУДИЙ ИСЛОҲОТЛАР

Президентимизнинг 2014 йил 4 февралдаги «2014-2016 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарорига асосан, вилоятда 16 та ҳудудий ҳамда 2 та республика тасарруфидаги саноат қорхоналарида 30 та лойиҳа маҳаллийлаштириш дастурига киритилган.

Белгиланган Дастур ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 28 та лойиҳа бўйича ишлар амалга оширилди. 18955,2 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотлар ва ма-

териаллар ишлаб чиқарилди. Наттижада 50 га яқин янги иш ўрни яратилди.

Жумладан, «Стеклопластик» МЧЖда «ISUZU» автобуслари учун электрон доска ва бутловчи қисм тайёрлаш йўлга қўйил-

ди. Йил бошидан бунён бу ерда 108,1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. «Самарқанд бурғу асбоблари» ОТАЖ қорхонасида ҳам анча йиллардан бери иқтисодий мурраккаб вазият ҳукмрон эди. Қорхонани соғломлаштириш дастурига биноан уч турдаги усқунлар ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бу ерда 548,8 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, ҳамкорларга етказиб берилди.

Кейинги вақтларда синтетик газон шахримизнинг кўпгина ташкилот ва муассасалари ҳудудига чирой бағишламоқда. Илгари бундай маҳсулотлар Рес-

публикамизга хориждан келтирилган эди. Эндиликда сунъий газон, резина гиламлар ўзимизда ишлаб чиқарила бошланди. «Мауроқанд сифат» МЧЖ томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар харидорларга манзур бўлаётти. «Chin Latesk» қўшма қорхонасида эса саноат елими, «Сам-Нурс-Тафвиз» қўшма қорхонасида «Элите» электропечка сингари халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Хулоса қилиб айтганда, мазкур дастур ижросини таъминлаш асосида импорт ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулотлар ҳажми кўпаймоқда, қишлоқ ёшларини муҳим иш билан банд қилиш имконияти юзага келмоқда.

Абдували ХУДОЁРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

ЎзХДП гуруҳи ташаббуси билан

халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши сессиясида автотранспорт ва пидедалар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди



www.uzbekistonovozi.uz

## Депутат сўрови

ҳудудлар ривожини, аҳоли манфаатларига хизмат қилади

Масалан, халқ депутатлари Навой шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Фахриддин Нуруллаевнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларига йўллаган депутатлик сўрови натижасида Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг вилоят бўлими ва «Савдогарбанк»дан 5 нафар фуқарога ўз ишини бошлаши учун имтиёзли кредит ажратилди. Шунингдек, депутатнинг Навой шаҳридаги 6-сон уй-жой мулкдорлари шirkати раҳбарига юборган сўрови натижасида кўп қаватли уйлар олдидagi 3 та болалар майдончаси тўлиқ таъмирланди.

4-Гулистон сайлов округидан сайланган депутат Амридин Қодиров 2013 йилда 12 та, жо-

рий йилнинг ўтган даврида эса 4 та депутатлик сўрови билан мутасадди ташкилотлар раҳбарларига мурожаат этган. Айниқса, унинг қурилиш материалларини қайта ишлаш қорхонасини ташкил этиш бўйича таклифини шаҳар ҳокимлигига киритиши кўплаб фуқаролар манфаатига хизмат қилди. Жорий йилнинг биринчи чораги якуни билан ушбу қорхона ишга тушди ва 100 дан зиёд иш ўрни яратилди.

Халқ депутатлари Навбахор тумани Кенгаши депутати Махмуд Ўроқов жорий йил ўтган даври мобайнида 3 марта депутат сўровини амалга оширди. Унинг «Оқолин-транс» МЧЖ раҳбарига юборган сўрови натижасида

ЎЗХДП: ТАЖРИБА ВА ТАҲЛИЛ

маиший хизмат кўрсатиш шохб-чалари ва ҳудуддаги гўшт дўконларининг санитария ҳолатини яхшилаш борасидаги мурожаатига ҳанузгача жавоб бўлмади.

Қайд этиш кераки, 2014 йилнинг ўтган 4 ойи давомида халқ депутатлари Навой вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари партияимиздан сайланган депутатлар томонидан 30 дан зиёд сўров юборилди. Ҳозирда уларнинг 70 фоизиди депутатлар томонидан кўтарилган масалалар ижобий ҳал этилди. Айрим ҳолларда депутат сўровига нисбатан сансо-лорликка йўл қўйилмоқда. Аслида эса ҳар бир мансабдор шахс депутат сўрови моҳиятини чуқур тушуниши, сўровлар ортида жамият ва халқ манфаатлари, аҳоли турмуш фаровонлиги ётганини англаши зарур.

Илхом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси тизимида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг Тошкент вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унинг тафсилотлари, ёшларнинг фикр-мулоҳазалари билан газетамизнинг келгуси сонларидан биринчи тапишишингиз мумкин.





